

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

САПАРОВ АКТАМ ЖЎРАЕВИЧ

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ АСАРЛАРИНИ РУС ТИЛИГА ТАРЖИМА
ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИ ТИКЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологических
наук (DSc)**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philological Science
(DSc)**

Сапаров Актам Жўраевич

Ўзбек фольклори асарларини рус тилига таржима қилишда миллий
колоритни тиклаш тамойиллари.....3

Сапаров Актам Джураевич

Принципы воссоздания национального колорита при переводе
произведений узбекского фольклора на русский язык.....38

Saparov Aktam Juraevich

Principles of recreating national colority when translating Uzbek folklore into
Russian 76

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works80

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

САПАРОВ АКТАМ ЖЎРАЕВИЧ

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИ АСАРЛАРИНИ РУС ТИЛИГА ТАРЖИМА
ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИ ТИКЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.DSc/Fil139 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маматкул Жўраев,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
маданият ходими, филология фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар: **Насим Раҳмонов,** филология фанлари доктори,
профессор
Дўстмамат Қулмаматов, филология фанлари доктори,
профессор
Дарманой Ўраева, филология фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий
университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “19” октябрь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил “5” октябрда тарқатилди. (2020йил _____ даги _____ сонли реестр баённомаси).

Б. Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол.ф.д., проф.

Л.Худайкулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида эпик асарлар матнини таржима қилишнинг илмий концепцияларини янада такомиллаштириш ҳамда таржима амалиётида халқ оғзаки ижодига хос миллий колоритни қайта яратиш тамойилларини чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ҳар бир халқ миллий эпосининг ўзига хос поэтик табиатини белгилайдиган бадиий воситалар, анъанавий формулалар, фразеологизмлар, замон ва маконни ифодаловчи эпик клишеларни таржима тилида тиклашнинг назарий асослари юзага келди. Халқ оғзаки ижоди асарлари матнининг аслияти ва унинг бадиий таржимасига доир фактографик кузатувлар, айниқса, поэтик образ ва маром тизимларининг ифодаланишига доир илмий-назарий қарашлар фольклор таржимаси бадиий тафаккурнинг миллий характерини намоён этиш билан боғлиқ ўта мураккаб ва кўп қатламли ижодий жараён эканлигини кўрсатди. Зеро, таржима жараёнида фольклор асарига оид бадиий-поэтик матннинг нафақат формал жиҳатларини, балки унинг бадиий-стилистик, семиологик, этномаданий, тарихий-хронологик, идеодиалект қатламларининг бутун тизимини максимал даражада тиклаш бош мезон ҳисобланади.

Дунё фольклоршунослигида амалга оширилган янги тадқиқотлар натижасида халқ ижоди асарларидаги миллий колоритни таржимада акс эттириш муаммолари поэтик матн муқобиллиги, инвариантлик, экспрессивлик, эпик ва когнитив тафаккур маромининг параллеллиги, шунингдек, этномаданий контекстни бадиий ифода этиш каби категориал тушунчалар билан боғлиқлиги аниқланди. Янги илмий концепцияларга кўра, халқ ижоди таржимасининг тадқиқот предмети қиёсий-чоғиштирма фольклоршунослик, лингвофольклористика, адабий алоқалар назарияси, семиотика, лингвомаданиятшунослик ва таржима назарияси каби фан йўналишлари кесишган нуқтада шаклланади. Бу эса ўзбек фольклори асарларининг ўзга тиллар, жумладан, рус тилидаги таржималарини фольклор семиотикаси ва семантикаси нуқтаи назаридан ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбек адабиётини жаҳон миқёсида кенг кўламда тарғиб этиш ижтимоий-маданий фаолиятнинг устувор йўналишларидан бирига айланган янги Ўзбекистонимизда халқ оғзаки ижоди асарларини дунё халқларининг бошқа тилларига таржима қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, ўзбек фольклори ва ёзма адабиётининг мумтоз намуналарини турли тилларга таржима қилиш дунё халқлари маданияти ва маънавиятини бойитишнинг муҳим воситаларидан биридир. Бугунги кун шароитида жамият эҳтиёжининг бир кўриниши бўлган бадиий таржимага аксарият ҳолатда турли хил ижтимоий, маданий, тарихий ва геосиёсий омиллар таъсир қилади. Шу билан бирга, ижтимоий талаб ўзбек фольклори асарларининг рус тилига қилинган таржималари кўпайиши ва

ривожланишини тақозо этмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «... бадий адабиётга бўлган ҳақиқий эҳтиёж, уларнинг мазмуни ва бошқа тилларга таржима қилиш масалаларини ўрганиш бўйича мажмуали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.»¹ Мухтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» халқаро конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида мустақиллик Ўзбекистонга «... халқаро ҳамжамият билан самарали ҳамкорликнинг барча йўналишларида, жумладан, маданий-гуманитар соҳада ҳам йўлга қўйишга имкон берган»лиги таъкидланган. Табрик доирасида «... ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш»² муҳим аҳамият касб этаётганлиги алоҳида қайд қилинган. Бадий таржимага бу даражада катта эътибор қаратилаётганлиги эса, ўз навбатида, фольклор асарлари таржимасининг бадийлик даражаси, маданий архетиплар ва рамзий поэтик кодларнинг таржимада берилиши ҳамда миллий колоритни бошқа тилда тиклаш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишнинг кенг имкониятларини очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий

¹ Мирзиёев Ш.М. "Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил,16 январь.

² Мирзиёев Ш.М. «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига // uza.uz 07.08.2018 11:40:33

ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди асарлари маромининг шеърий таржимада ифодаланишини тадқиқ этиш масаласига бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлири олимлари томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, Center of Middle eastern studies of the oriental institute of the university Chicago (АҚШ), William and Mary Law School of state Virginia (АҚШ), Harvard university (АҚШ), Seminar für Turkologie und Zentralasienkunde der Universität Goettingen (Германия), Seljuk üniversitisi (Туркия), Istanbul kültür universitesi (Туркия), М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти, Москва давлат университети (Россия федерацияси)да миллий поэтик фразеологизмларни янги тил муҳотида ифодалашнинг ўзига хос усуллари, халқ эпосига хос анъанавий формулалар ва эпик клишеларнинг таржима матнидаги бадиий ифодаси каби масалалар чуқур ўрганилган. Хусусан, Бонн университети (Германия)да А.Шлегел, К.Райхел, Лейпциг университети (Германия)да О.Каде, А.Нойберт, Г.Егер. Э.Флайшман, Seminar für Turkologie und Zentralasienkunde der Universität Goettingen (Германия)да Х.М.Залевский, В.Шаде, К.Картельери каби олимлар таржимада поэтик воситалар интерпретацияси ва уларнинг стилистик функциялари, фольклор таржимасида бадиий шакл ва мазмун муносабати каби масалаларни тадқиқ этиш орқали фольклор асарларини таржима қилишнинг назарий концепцияларини такомиллаштиришган. Фольклор таржимасининг умумий назарияси Ж.Касагранд (Center of Middle eastern studies of the oriental institute of the university Chicago, АҚШ), халқ эпосининг бадиий таржимасида эквивалентлик, таржима турлари ва унинг лингвопоэтик асослари Ю.Найда, Б.Макгайер, Р.Якобсон (Harvard university, АҚШ), халқ кўшиқлари таржимасида эквивалентлик, коммуникативлик ва семантик муқобилларни танлаш методикаси масалалари Ж.Кэтворт, Т.Сэвори (University of British Columbia, USA) ва П.Ньюмарк (University of Oxford, USA) томонидан ўрганилган.

Туркий халқлар фольклорини рус тилига таржима қилишнинг назарий муаммолари қозоқ халқ эпоси материаллари асосида ўрганилиб, эпик сюжет ўзагини ташкил этувчи етакчи мотивлар типологияси аниқланган (Р.Б.Сулаймонов номидаги ҚР ФА Шарқшунослик институти), «Манас» ва туркийзабон халқлар эпик ижодиётининг икки тилдаги илмий-академик таржимасини яратишнинг назарий асослари ойдинлаштирилган (М.Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти, Россия федерацияси), фольклор таржимаси назариясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилган

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ifl.ru>; <https://mylektsii.ru>; <https://lektsii.org>; <https://studwood.ru>; <https://www.skachatreferat.ru>; <http://lib.maupfib.kg>; <https://elearn.urfu.ru>; <https://www.dissercat.com>; <https://mydisser.com/ru>; <https://istina.msu.ru>; <https://docplayer.ru>; <https://www.dissercat.com>; <https://lex.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Урал федерал университети, Россия федерацияси), фольклор асарлари матнининг бадий шаклини таржимада қайта яратиш жараёнининг когнитив-чоғиштирма моделлаштириш принциплари ишлаб чиқилган (Белгород давлат университети, Россия федерацияси), мўғул халқ достони «Гэсэриада» ва ёкут эпоси «Олонхо»нинг рус ва француз тилларига қилинган таржималари асосида миллий-маданий колоритни тиклаш хусусиятлари ёритилган (Москва давлат университети, Россия федерацияси), «Гўрўғли» эпосини таржима қилиш тарихи ўрганилган (Фольклор институти, Озарбайжон), бахшилар эпик ижодиётининг тараққиёт қонуниятлари ва халқ достонларининг тарихий-генетик асослари аниқланган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Фольклор асарларини таржима қилиш билан боғлиқ қуйидаги долзарб мавзулар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: таржима қилинаётган фольклор асарининг бадий ва услубий жиҳатларини бошқа тилда тиклаш, янги маданий ва маънавий концептуал муҳит шароитида миллий колоритни муқобил тарзда бериш, фольклор асарлари таржимаси доирасида бадий шакл ва мазмун нисбати билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, халқ шеърятининг ўзига хос жиҳатларини таржима тилида қайта яратиш, эпик тафаккур ва миллий менталитет билан боғлиқ паремиологик тизимнинг бадий ва услубий хусусиятларини таржимада акс эттириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таржима назарияси тарихида бадий асарни бир тилдан иккинчи тилга ўгиришда юзага келаётган муаммоларга нисбатан турлича ёндашув ва қарашлар мавжуд. Масалан, В.Гумбольдт таржимага нисбатан бўлган ўз нуқтаи назарини ҳар бир тилнинг маданий-миллий ўзига хослиги билан асослаган. Универсаллик тилларга бўлган қобилият, тилдан-тилга муқобил таржима қилиш имконияти сифатида талқин қилинади¹. Ушбу нуқтаи назар Э.Сепирнинг илмий ишларида ҳам устувор бўлган². Тўлақонли таржима тамойиллари Н.Хомский изланишларида ўз аксини топган³.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди кўплаб хорижий тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортиб келган. Ҳ.Вамбери, Г.Юнгбауер, И.Циртаутас, М.Шпаду, В.Флайшер, Г.Келлер, И.Балдауф, З.Клайнмихел, К.Райхл каби олимлар ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларини немис тилига таржима қилиш, ўрганиш ишларига улкан ҳисса қўшдилар. Улар ўзбек фольклор асарларининг кўлёмалари, босма нусхаларини тўплаб, илмий изланишлар олиб боришган.

Фольклор асарлари таржималарида миллий колоритни тиклаш билан боғлиқ тамойилларини тадқиқ этиш масалаларига олимлар томонидан катта аҳамият берилган. Хусусан, бошқа тиллардан рус тилига бадий асарларни таржима қилиш муаммолари кўплаб олимларнинг илмий ишларида тадқиқ

¹ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. Пер. с нем. под ред., с предисл. Г. В. Рамишвили. – М.: Прогресс, 1984. – 397 с.

² Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. Пер. с англ. под ред. и с предисл. А. Е. Кибрика. Изд. 2-е. – М.: Прогресс, 2002. – 656 с.

³ Хомский Н. Язык и мышление. Перевод с английского Б. Городецкого. – М.:Изд. МГУ, 1972. – 123 с.

килинг. Бу ерда таниқли олимлар А.В.Федоров, И.Я.Рецкер, М.Л.Гаспаров, А.Д.Швейцер В.М.Россельс, З.А.Ахметов, Г.Гачечеладзе, Е.Г.Эткинд, В.Н.Комиссаров, В.М.Жирмунский, М.М.Гиршман ва бошқаларнинг бадий таржима масалаларига бағишланган фундаментал илмий ишларини қайд қилиш лозим¹. Туркий фольклор намуналарини рус тилига таржима қилишнинг назарий муаммолари ҳам олимлар эътиборини жалб қилганлиги бу жараён ўта муҳим эканлигидан далолат беради. Хусусан, бошқа олимлар қатори қозоқ фольклорининг рус тилига таржима қилиш муаммолари Н.Ж.Сагандикова томонидан тадқиқ этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим². Қирғиз фольклор асарларини рус тилига таржима қилиш масалалари А.С.Мирбадалева, Д.Т.Давлетбекова ва З.Абдукаримов томонидан ўрганилган³.

Бадий ва ижодий жараён сифатида тан олинган халқ оғзаки ижоди асарлари таржималарининг тарихи ва бугунги кун ҳолати билан боғлиқ кўплаб масалалар ўрганилмаганлигича қолмоқда. Шу билан бирга, халқ оғзаки эпик асарларини ўзбек тилига ва ўзбек тилидан бошқа тилларга таржима қилиш жараёни ўзининг тарихий ривожланиши босқичларида олимлар диққат-эътиборини жалб қилиб келган. Сатторхон, Маннон Ройик, С.Е.Паластров, Санжар Сиддиқ, М.Салье, С.Ҳусайн каби олим ва таржимонларнинг прескриптив (тавсия этувчи) ва дискрептив (таърифловчи) мазмунга эга бўлган дастлабки тадқиқотлари шундан далолат беради. Аслида, улар ёзма адабиёт ва фольклор асарлари таржималарига оид қонуниятлар асосини яратиб, ўз даврининг танқидий фикри доирасида бадий таржиманинг кейинги ривожланишини белгилаб беришган.

Бадий таржима фанига катта ҳисса қўшган Ғ.Т.Саломов, Н.В.Владимирова, Н.Комилов, Ж.Шарипов, Ю.Пўлатов, Қ.Мусаев, Ҳ.Кароматов, Д.Ф.Рашидова ва бошқа олимларнинг илмий изланишлари рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан бошқа тилларга амалга оширилган бадий асарлар таржималари муаммоларига бағишланган⁴. Ўзбек тилидан

¹ Федоров А. В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы) – СПб: Филологический факультет СПбГУ, 2002. – 416 с.; Гиршман М.М. Ритм художественной прозы. – М.: Советский писатель, 1982. – 365 с.; Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. – М.: Международные отношения, 1974. – 216 с.; Гаспаров М.Л. Историко-сравнительная перспектива // Фольклор. Поэтика и традиция. – М.: Наука, 1982. – С.166–172; Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. – М.: Наука, 1988. – 215 с.; Россельс В.М. Сколько весит слово. – М.: 1984. – 430 с.; Ахметов З.А. О языке казахской поэзии. – Алма-Ата: Мектеп, 1970. – 180 с.; Гачечеладзе Г. Стихотворение и поэтический перевод: поэтика перевода – М.: Радуга, 1988. – 92 с.; Эткинд Е.Г. Ритм поэтического произведения как фильтр содержания // Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. – М.: Наука, 1974. – С.104–120; Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. Проблемы переводоведения в освещении зарубежных ученых. – М.: Черо, 1999. – 136 с.; Жирмунский В.М. Стих и перевод // Русско-европейские литературные связи. – М.-Л.: Наука, 1966. – С.423-433.

² Сагандикова Н.Ж. Основы художественного перевода. – Алматы: Санат, 1996. – 208 с.

³ Мирбадалева А.С. Текстология тюркоязычного эпоса: теоретические и методические аспекты двуязычного научного издания «Манаса» и других эпических памятников. АДД. – М., 1995; Давлетбакова Д.А. Киргизские пословицы и поговорки из собрания академика К.К.Юдахина: принципы и опыт перевода на русский язык. АКД. – Бишкек, 2000; Абдукаримов К. Стих и искусство перевода. – Фрунзе: Мектеп, 1970. – 144 с.

⁴ Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 383 б.; Владимирова Н.В. Некоторые вопросы

рус тилига бадий асарлар таржимаси масалалари К.Жўраев, Г.Ғафурова, Б.Отабекова, М.Расулий каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган¹.

Бугунги кунда миллий колоритни ўзга тилнинг бадий имкониятларидан келиб чиқиб тиклаш ва бошқа жиҳатларини тизимли назарий тадқиқ этиш билан боғлиқ масалалар фольклор асарлари таржималари доирасида ўз ечимини топиб келмоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг инглиз тилига қилинган таржималари билан боғлиқ айрим масалалар Б.А.Шамсиеванинг илмий тадқиқотида ўз ифодасини топган². Ю.Нурмуродовнинг илмий ишида ўзбек фольклори асарларини немис тилига таржима қилиш муаммолари ўрганилган³.

Юқорида айтиб ўтилган тадқиқотлар у ёки бу даражада фольклор асарларини ўзбек тилидан рус тилига таржима қилишда миллий колоритни тиклаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни қамраб олган. Таъкидлаш жоизки, миллий колоритни, поэтик, бадий-образлар тизимини бошқа тилда тиклаш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, фольклор асарлари таржима назариясини яратиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилаётган “Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари” 100 томлиги нашрини тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” номли Ф1-ФА. 2012-1-8 рақамли фундаментал илмий лойиҳа доирасида тайёрланган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек фольклори асарлари бадий таржималарининг манбалари, ривожланиш тарихи, миллий колоритни тиклаш тамойиллари, таржима жараёни билан боғлиқ метаболик тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, полиритмия ва эквиполиритмия ҳодисаларини қиёсий-чоғиштирма ўрганиш, шунингдек, уларнинг муҳим, аммо кам ўрганилган жиҳатларини тарихий-фольклористик, поэтологик ёндашув асосида кенг тадқиқ этишдан иборат. Бундай кўп қиррали ёндашув асосида мавзуни ўрганиш фольклор асарлари таржималарининг эволюцион жараёнини янада чуқурроқ, объектив кузатишга, унинг қонуниятлари ва ўзига хос томонларини илмий ёритишга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг вазифалари диссертацияда қўйилган мақсадлардан келиб чиқади, хусусан:

художественного перевода с русского на узбекский язык. – Ташкент, 1957. – 126 с.; Камилов Н. Хорезмская школа перевода: проблемы типологии и сопоставительного исследования истории перевода в XIX в.: Дисс. докт. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 374 с.; Шарипов Ж. Из истории перевода в Узбекистане. АДД. – Ташкент, 1968. – 172 с.; Пулатов Ю. Зарубежная литература в Узбекистане и переводы Мопассана. АКД. – Самарканд, 1963; Мусаев К. Культура языка перевода. – Ташкент: Фан, 1982. – 189 с.

1 Гафурова Г. Перевод как средство взаимодействия литератур. АДД. – Ташкент, 1986.

2 Шамсиева Б.А. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. АКД. – Ташкент, 1994. – 19 с.

3 Нурмуратов Ю.Б. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. АКД. – Ташкент, 1983. – 19 с.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари таржималарининг тарихий эволюцияси хусусиятларини ўрганиш;

поэтик воситалар – қиёслаш ва метафораларни тизимли таҳлил қилиш асосида уларнинг аслият ва таржима матнларидаги бадиий-услубий вазифалари хусусиятларини ёритиш;

янги концептосферада миллий колоритни тиклаш тамойиллари билан боғлиқ масалаларни текшириш;

Ўзбек халқ оғзаки ижоди таржималари доирасида бадиий шакл ва мазмун нисбати муаммоларини кўриб чиқиш;

янги тил ва бадиий муҳит шароитида миллий поэтик фразеологиянинг стилистик хусусиятларини тадқиқ этиш;

аслият матнида маълум бадиий, стилистик ва семантик вазифаларни бажарувчи эпик сонларни таржимада акс этиш усулларини таҳлил қилиш;

шеърый таржима доирасида ўзбек халқ дostonларининг ўзга тилда тикланган маромининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

Ўзбек халқ поэзияси таржимаси жараёнида қўлланилган шеър ўлчамлари тизими билан таржимадаги муқобил маром субстратлар нисбатини аниқлаш;

халқ эртак насрининг маром табиатини ва уни рус тилида тиклаш хусусиятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти сифатида ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан, дostonлар, кўшиқлар, эртаклар, паремиялар ва уларнинг рус тилидаги таржималари танланган.

Тадқиқот предметини ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлар таржимаси тарихи, миллий колоритни таржима тилидаги тиклаш тамойиллари, бадиий-услубий тизимнинг назарий жиҳатлари, ўзбек халқ шеърыйи ва эртакларининг кўп маромлилиги ва эквиполиритмияси ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Мавзуни ёритишда тарихий-қиёсий, тарихий-генетик, қиёсий-чоғиштирма ва қиёсий-типологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фольклоршунослик тарихида илк бор ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари таржималарининг тадрижий ривож босқичлари аниқланган ҳамда фольклор асарларини таржима қилиш амалиётида диахрония ва синхрониянинг ўзаро боғлиқлиги далилланган;

миллий колоритини белгилайдиган ўзбек фольклор асарлари лексик тизимидаги ўзига хос бирликларининг таржима тамойилларининг концептуал асослари ва трансформацион моделлари аниқланган;

Ўзбек фольклорининг эпик асарлари таркибидаги асосий бадиий ва экспресив воситалардан бири бўлган троплар - метафора ва қиёслаш тизимини рус тилида тиклаш жараёнидаги асосий қийинчиликлар ва юзага келиши мумкин бўлган муаммолар аниқланган;

халқ дostonлари бадиий структурасидаги паремиологик бирликларни

таржима қилишда уларнинг стилистик функциясини белгиловчи пропозиция денотатларининг семантик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этиши аниқланган ҳамда таржимада бунга амал қилмаслик аслиятдаги анъанавий формула ва эпик клишеларнинг поэтик табиати бузилишига сабаб бўлиши исботланган;

Ўзбек фольклор асарлари эпик рақамларининг макон-вақт функциялари очиб берилган ва уларни рус тилида тиклашда асосий тамойиллар аниқланган;

аслият ва таржимадаги бадиий талқинни қиёсий таҳлил қилиш асосида ўзбек халқ насрининг кўп маромлилигини таржима тилида шакллантиришда унинг ритмик ва мелодик имкониятлари, поэтик воситалар тизими ва функционал-семантик хусусиятларининг имкониятлари муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари таржималарининг тарихий манбаларини ва шаклланишини ўрганиш натижасида фольклор асарларини рус тилига таржима қилиш тарихини яратиш учун зарур бўлган материаллар тўпланган;

олиб борилган тадқиқот натижасида халқ оғзаки ижоди намуналари рус тилидаги таржималарининг тарихий ривожланиш босқичлари кўрсатилган;

Ўзбек фольклорининг этномаданий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, фольклор асарларида мавжуд бўлган миллий колоритни таржима тилида тиклаш билан боғлиқ масалалар ечими ойдинлаштирилган;

миллий колоритни тиклаш масаласини тадқиқ этиш доирасида ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг аслият ва таржимадаги бадиий структураси компаративистик таҳлил қилинган;

Ўзбек фольклори асарларининг аслияти ва таржималаридаги бадиий унсур ва миллий колоритнинг корреляцион-стилистик хусусиятлари аниқланган;

Ўзбек халқ оғзаки ижоди эпик фразеологиясининг бадиий ва услубий хусусиятлари, шунингдек, миллий колоритни таржима тилида тиклаш тамойиллари белгиланган;

халқ достонлари бадиий структурасидаги эпик сонлар моҳиятининг фольклор-когнитив хусусиятлари, замон ва макон билан боғлиқлиги ва уларни рус тилига ўгириш мезонлари муайянлаштирилган;

Ўзбек халқ насри ва оғзаки шеърининг кўп маромлилиги ва уни таржима тилида тиклаш масалалари ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий ва қиёсий-чоғиштирма усуллар билан асосланганлиги, фольклор асарларининг тарихий босқичлари, бадиий-услубий жиҳатлари, ундаги миллий колорит, достон ва қўшиқлар маромининг таржима такомилидаги ўрни

ва ролини асослашда архив материалларига, илмий, бадиий манбаларга таянганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари таржималарининг тарихий манбалари ва шаклланиши, фольклор асарлари аслияти ва таржималарини компаративистик таҳлили, аслият ва таржима қилинган асарлардаги бадиий унсур ва миллий колоритнинг корреляцион-стилистик хусусиятлари, фразеологизмларнинг бадиий ва услубий хусусиятларини таржима тилида тиклаш тамойиллари, халқ достонлари бадиий структурасидаги эпик сонлар моҳиятининг фольклор-когнитив хусусияти, замон ва макон билан боғлиқлиги ва уларни рус тилига ўгиришда юзага келган масалалар, ўзбек эртаклари ва халқ оғзаки поэзиясининг кўп маромлилиги ва уни таржима тилида тиклаш билан боғлиқ маълумотларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги ўзбек фольклор намуналари аслияти ва таржима қилинган асарлардаги бадиий унсур ва миллий колоритнинг хусусиятлари, фразеологизмларнинг бадиий ва услубий хусусиятларини таржима тилида тиклаш тамойиллари, халқ достонлари бадиий структурасидаги эпик сонлар моҳиятининг хусусияти, замон ва макон билан боғлиқлиги ва уларни рус тилига ўгиришда юзага келган муаммолар, ўзбек эртаклари ва халқ оғзаки поэзиясининг кўп маромлилиги ва уни таржима тилида тиклаш билан боғлиқ маълумотларни ўрганишга оид умумлашма ва материаллардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти фани бўйича маърузалар ўқишда, махсус курслар ўтишда, ўрта мактаб, академик лицей ва коллежларда дарс машғулоти олиб боришда, дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув мажмуалар, шунингдек, достон таржималарининг оммабоп нашрларини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг рус тилидаги таржималарини, жумладан аслият ва таржима асарлардаги бадиий унсур ва миллий колорит хусусиятларини таржима тилида тиклаш тамойилларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диссертациянинг халқ достонлари бадиий структурасидаги магик сонларнинг поэтик талқини, замон ва макон билан боғлиқ поэтик формулаларни рус тилига ўгириш тамойиллари, шунингдек, ўзбек халқ насри ва оғзаки поэзиясига хос кўп маромлилик хусусияти ва уни таржима тилида тиклаш масалаларига доир илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан Давлат фундаментал-тадқиқот дастурлари доирасида 2017–2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-118

“Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали маданий таълим муҳитида ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2578-сонли маълумотномаси). Натижада фольклор асарларининг турли тилларга қилинган таржималаридан фойдаланиш орқали ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш мумкинлигини далиллашга эришилган;

тадқиқотнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг рус тилидаги таржималари, жумладан, аслият ва таржима матнларидаги бадиий воситаларнинг муқобиллиги, миллий колоритнинг хусусиятларини таржима матнида ифодалаш тамойилларини аниқлаш асосида олинган натижаларидан Бухоро давлат университетида Давлат фундаментал-тадқиқот дастурлари доирасида 2012–2016 йилларда бажарилган Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2652-сонли маълумотномаси). Натижада Шарқу Ғарб адабий алоқалари тизимида бадиий таржиманинг муҳим аҳамият касб этиши далилланган;

диссертация иши натижаларидан амалиётда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телеканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшитиришлар” тахририяти томонидан тайёрланган “Бедорлик”, “Адабий жараён” номли радиоэшитиришларнинг 2020 йил январь-март ойлари сонларида тадқиқотга тортилган мавзу юзасидан суҳбат бўлиб ўтди ва сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 26 мартдаги 0030638-сонли маълумотномаси). Натижада радио эшитувчиларга ўзбек фольклор асарларининг бошқа тилларга қилинган таржималари тўғрисида кенг кўламли маълумот берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 3 халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияда маҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 1 та монография, 22 илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, ҳажми 266 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек фольклори асарларини рус тилига таржима қилишда миллий колоритни тиклаш тамойиллари**» номли биринчи бобининг илк фасли «**Ўзбек фольклор асарлари таржималарининг тарихий жиҳатлари**» деб аталган.

Ўзбекистонда бадиий таржима тарихи бой анъанага эга. Бадиий адабиёт асарларининг ўзбек тилига таржималари узоқ вақт давомида амалга оширилиб, бу даврда жуда кўп хорижий ёзувчиларнинг асарлари, шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналари халқимизнинг маънавий маданиятини бойитиб келди.

Агар ёзма адабиёт таржималари бошқа тиллардан ўзбек тилига, шу жумладан эски ўзбек тилига баъзи манбаларга кўра XII аср давомида амалга оширилиб келган бўлса, ўзбек тилидан бошқа тилларга қилинган таржималар 4 асрдан кўпроқ муддатни камраб олади¹. Шу нуқтаи назардан чор Россиясининг Туркистон ўлкасига, унинг маданий меросига бўлган қизиқиши бу минтақани қўшиб олишдан анча олдин пайдо бўлган. 1740–1741 йилларда Россия подшо маъмуриятининг вакиллари, геодезия соҳаси мутахассиси Муравин ва поручик Гладишев Орсдан Хивага келиб, фольклор ва этнографияга оид ноёб материаллар тўплашган. Бу даврга келиб «... фольклористика талаблари нуқтаи назаридан жиддий камчиликларга эга, аммо материалларни қиёсий ўрганиш нуқтаи назардан яхши натижалар берадиган»² халқ оғзаки ижоди намуналарининг ёзма версиялари ва ўзбек фольклори муаммоларига оид тавсифий илмий изланишлар пайдо бўлди.

Бу даврдаги бой фольклор материаллари қатламларининг мавжудлиги қадимги фольклор-маданий меъёрларига асосланган ўзбек халқ оғзаки ижоди узоқ тарихий ривожланиш жараёнида маънавий, моддий ва маданий қадриятларни, катта ва кичик воқеликларни ўзига хос бадиий шаклда акс эттириб келганлиги билан изоҳланади. Буларнинг барчаси тадқиқотлар учун ноёб манба ҳисобланарди.

Шуни тан олиш керакки, бу даврга келиб кўплаб фольклор асарлари – дostonлар, халқ қўшиқлари, термалар, топишмоқлар, мақол ва маталлар, аския ва латифалар ёзиб олиш ишлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли йўқолиб кетган. Миссионерларнинг фольклор асарларини ёзма равишда

¹ Шарипов Д.Ш. Из истории перевода в Узбекистане. АДД. – Ташкент, 1968. – 172 с.

² Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 151 б.

қайд этганлиги ижобий ходиса бўлган. Улар фаолиятининг ижобий томонларидан бири шундан иборат эдики, айти шу вақтдан бошлаб фольклор материалларини мақсадли равишда ёзма шаклда қайд этиш ва таржима қилиш ишлари бошланди.

Дастлабки ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, таржима қилиш ва нашр этиш масаласига тўхталиб, Т.Мирзаев шундай деб ёзади: "Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзбек фольклорининг айрим намуналарини тўплаш, ёзиш ва нашр этишни биринчи бўлиб рус шарқшунослари, саёхатчилари, элчилари ва чор маъмуриятининг расмий вакиллари бошлаган"¹. 1871 йилда А.Кушакевич «Сведение о Ходженском уезде. Записки императорского русского географического общества» нашрида Фарход ва Ширин тўғрисидаги кўп сонли афсоналар версияларидан бирини эълон қилади².

Таникли турколог А.А.Диваевнинг маърифий-илмий изланишлари диққатга сазовордир У бир неча бор бой фольклор материалларини ўзида мужассам этган «Этнографические материалы» китобини нашр этди. Шунингдек, олим «Предания о возникновении старого Ташкента» – устные сказания, легенды» («Эски Тошкентнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар – оғзаки ривоят ва афсоналар») тўпламини нашр этди³.

Рус шарқшунослари, тарихчилари, этнографларининг ўзбек халқ оғзаки ижодига, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарига бўлган илмий қизиқишлари вақт ўтиши билан (XIX аср охирида) тобора ортиб борди. Яхлит фольклор материаллари тўпламлари яратила бошланди. Фольклор материалларини тўплаш ва бирламчи тизимлаштириш натижасида рус тилида ўзбек халқ оғзаки ижоди, урф-одатлари ва анъаналарига бағишланган китоблар, очерклар пайдо бўлди. Хусусан, 1892 йилда Н.П.Остроумов томонидан «Сарты. Этнографические материалы» II нашрида «Народные сказки сартов» номи билан ўзбек халқ эртаклари тўплами чоп этилди⁴. Унинг замондош-хамкасблари В.Ф.Васильев, И.А.Метропольский, Н.Осокин, А.Воробьёв, П.Шермановлар ҳам эртақ материалларини тўплаш ва қайта ишлаш ишлари билан шуғулланишган. Тўплаш жараёнининг ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, баъзи эртақлар рус-тузем мактабининг ўқувчиларидан ёзиб олинган, бошқалари халқ орасида ёйилган эртақлар сюжетлари асосида ёзилган. Эртақлар бу даврда таржима қилинмаган. Улар рус тилини билувчи шахслар томонидан тўлдирилиб, ёзма равишда баён этилган. Таржима жараёни ривожланишининг ушбу босқичида чин маънода соф бадиий таржималар мавжудлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди.

¹ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 151 б.

² Кушакевич А. Сведение о Ходженском уезде // Записки императорского русского географического общества. IV. – Ташкент, 1908. – С.188–189.

³ Диваев А. А. Предание о возникновении старого Ташкента // Этнографические материалы. Сборник материалов для статистики Сырдарьинской области. Вып.1-ХУ. – Ташкент, 1891–1915.

⁴ Остроумов Н. П. Народные сказки сартов // Сарты. Этнографические материалы. Вып. II. – Ташкент, 1892.

Эртақлар қайта ишланган, таҳрир қилиниб, кейин рус тилида нашр этилган. Буни рус тилида нашр этилган эртақларнинг лексик таркиби ва бошқа бир қатор жиҳатлари тасдиқлайди. Чоп этилган эртақларнинг лексик қатламида миллий колорит билан боғлиқ тушунча-сўзлар минимал ҳажмда қўлланилган. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, рус тилидаги эртақларнинг баён услуби аслиятдаги эртақларга хос бўлган услубдан фарқ қилади. Эртақлар баёнида ўзбек исмлари, тушунчалари қўлланилишига қарамасдан, рус халқига хос маиший ҳаёт, рус тарихи ва рус эртақларини эслатувчи муҳит тасвирланган. Агар А.Кушакевичнинг таржималарини Н.П.Остроумовнинг таржималари билан қиёсласак, унда кейинги таржимон яратган эртақлар руслаштирилган матндан иборат эканлигини қайд этиш лозим. Бу рус эртақларига хос бўлган лексик, синтактик, стилистик хусусиятларнинг устуворлигида кўзга ташланади.

XIX аср охири – XX аср бошлари русийзабон ўқувчини ўзбек халқи оғзаки ижоди билан таништиришнинг ўзига хос даври бўлди. Бу даврда фольклор асарларининг юқори малакали бадиий таржималари мавжуд эканлиги ҳақида гап бормайди. Оғзаки айтилиб келаётган улкан фольклор материалларини тўплаш, тизимлаштириш ва тадқиқ қилиш ишлари эндигина бошланган эди.

А.Н.Самойлович томонидан фольклор асарларини ёзиб олиш ишлари XIX асрнинг бошларига, аниқроғи, 1908 йилга тўғри келади. Унинг «Пишик эфсанаси» – «Сказка с кошкой» (Хивинская версия) ва «Хивинский рассказ про Анна-Мрат бову» таржималари нашри шу вақтда амалга оширилди. Олим бу ҳақда «... мен томондан 1908 йил 4 июнь куни ... Хива тилида ёзилди, кейин у мен томондан рус тилига таржима қилинди», деб ёзади¹.

Фольклор асарларини таржима қилишнинг дастлабки босқичида «Таржимонлар ўзларининг эстетик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, матнни қисқартирган ёки кенгайтирган, кўпинча асар таржимаси жараёнини ўзининг шахсий ижодига айлантирган»² деган фикр ўринлидир. Турли қўшимчалар билан бойитилган, қисқартмалари кўзга ташланган фольклор асарининг эркин таржимаси, талқини фактологик нуқтаи назардан ижобий ҳолат бўлса-да, бадиий таржима талабларига жавоб бермасди. Эҳтимол таржимонлар аслиятнинг сержило колоритини, миллий руҳини, унинг умумий ғоясини ўз тасаввурлари орқали таржима тилида акс эттиришда ўзларининг ижодий ниятларини амалга оширишни кўзлаган бўлишлари ҳам мумкин. Аммо бундай ижодкорлик оқибатида сийқалашган, аслиятдан узоқ бўлган бадиий асарлар юзага келган. Бунга мисол сифатида Н.П.Остроумовнинг таржималарини, А.Н.Самойлович томонидан амалга оширилган «Пишик афсонаси» таржимасини, кейинчалик В.Державин, В.Липколарнинг дастлабки таржималарини, А.Наумовнинг шеърини

¹ Самойлович А.Н. Из Хивинских сказаний о животных. – СПб., 1910.

² Гачечеладзе Г.Р. Введение в теорию художественного перевода. – Тбилиси: Изд-во Тбилисского университета, 1970. – 285 с.

таржималарини кўрсатиш мумкин. Шунга ўхшаш ҳолатлар кўпинча С.Сомованинг таржималарида ҳам учрайди. Бу даврда рус тилига ўгирилган фольклор асарлари муқобиллик нуқтаи назаридан бадиий таржима талабларига жавоб бермас эди. Рус эртагига услуб жиҳатдан мослаштиришга уринишлар, турли хил кўшимчалар, қисқартмалар, шунингдек, ғоявий ва бадиий чекланишлар ва бошқа бир қатор бадиий, стилистик, лингвистик ва экстралингвистик омиллар таржималарга ўз таъсирини кўрсатган.

Бобнинг иккинчи фасли **«Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари таржималари эволюцияси ва миллий колоритни тиклашнинг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланади. Ушбу фаслда фольклор асарлари таржималарининг эволюцияси ва миллий колоритни таржима тилида тиклаш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган таниқли рус шоир, ёзувчи ва олимлари Ўзбекистонда яшаб ижод қилишган. Бу давр катта таржима жараёни бошланганлиги, фольклор асарларининг жиддий таржималари юзага келганлиги билан тавсифланади. Бадиий таржиманинг ушбу босқичи, биринчи навбатда, В.Державин, Л.Пеньковский, А.Дейч ва бошқа кўплаб ижодкорлар номлари билан боғлиқ бўлган. 1942 йилда В.Державин Ислом шоир репертуаридан «Жанговар мамлакат» («Страна боевая») шеърий асарини таржима қилади. Қайд этиш керакки, бу йиллар халқ оғзаки ижоди асарларини таржима қилиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 1943 йилда «Равшан» ва «Алпомиш» халқ достонларининг дастлабки таржималари амалга оширилади. Улар таниқли ўзбек халқ бахши-шоирлари меросидан рус тилига ўгирилган биринчи таржима намуналари бўлган.

Ўзбек халқ достонларининг дастлабки таржималари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради, яъни муайян бир эпик асар бир нечта таржимонлар томонидан рус тилига ўгирилган. Хусусан, 1944 йилда В.Державин, Л.Пеньковский ва А.Кочетков каби шоир-таржимонларнинг ижодий ҳамкорлиги натижасида «Алпомиш» достонининг биринчи қисми рус тилига ўгирилди.

Кейинчалик ўзбек халқ достонларини таржима қилиш амалиётида ижодий ҳамкорлик кўп учрайди. Шу аснода «Равшан» достонининг биринчи таржимаси («Раушан») (таржимонлар В.Державин ва В.Липко) ва «Якка Аҳмад» («Одинокий Аҳмад») (таржимонлар А.Големба ва С.Северцев) достонининг таржимаси ижодий ҳамкорлик маҳсули эканлигини қайд этиш мумкин. В.Державин «Равшан» достонининг таржимасини 1941 йилдаги биринчи нашри асосида амалга оширди. Ушбу нашрдан достоннинг иккинчи қисмини В.Липко таржима қилган. Мазкур таржималар шуниси билан эътиборлики, «Равшан» достони таржимасининг композицион тузилишида таркибий ўзгаришлар юз берган: агар аслият насрий ва шеърий шакллар комбинациясидан иборат бўлган бўлса, таржимада насрий қисмлар тушириб қолдирилган. Буларнинг барчаси эпик асар мазмунининг яхлитлиги ва мазмуннинг жилоланишига бевосита таъсир

қилган. В.Державиннинг кейинги таржимасида дoston аслиятининг таркибий ва композицион тузилиши, бадий ва образлар тизими, миллий колоритининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, насрий қисмлар тикланган. Дoston таржимаси кейинчалик таржимон томонидан тўлдирилиб, иккинчи марта таҳрир қилинган. Бу йўналишдаги ишини давом эттириб, В.Державин дoston таржимасининг учинчи таҳририни амалга ошириб, олдинги таржималарда тушириб қолдирган жойларини тиклаган. Эпик асарлар таржималарининг иккинчи таҳрири масаласига тўхталсак, бугунги кунда мавжуд бўлган таржималардан фақат «Равшан» дostonи кейинчалик жиддий таҳрир қилинган.

Фольклор асарлари таржималари ривожининг XX аср 50-йиллари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу даврда жуда кўп халқ оғзаки ижоди асарлари рус тилига интенсив тарзда таржима қилина бошланди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг таржимасига катта ҳисса қўшган М.Шевердин, Н.Гребнев, Я.Козловский, А.Шпирт, Т.Стрешнева, С.Мар, М. Алигер, М.Мирова, С.Обрадович, П.Железнов, Н.Ушаков, А.Глоба, Н.Павлович, В.Потапова, Н.Заболоцкий, В.Бугаевский, М.Голодный каби таржимонлар фольклорнинг турли жанрларига тегишли бирталай асарлар таржималарини амалга оширдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, бу даврда таржимонлар фольклор жанрлари таржималари бўйича ихтисослашган. М.Шевердин ва бир қатор ёзувчи ва ижодкорлар 1951–1955 йилларда жуда кўп ўзбек халқ эртақларини таржима қилишган. Қисқа вақт орасида эртақлар таржималарининг саккизта китоби чоп этилди.

Фольклор асарлари бадий таржималарининг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан уларга бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг юзага келиши билан боғланади. 60–70-йилларда бадий таржима муаммолари бўйича қатор илмий-назарий ишлар пайдо бўлди. Мазкур асарлар муаллифлари аслида Ўзбекистонда бадий таржима илмини яратган олимлардан иборат эди. Жумладан, Ғ.Саломов, Н.В.Владимирова, Ю.Пўлатов, Г.Ғафурова, Ж.Шарипов, М.Расулий, Э.С.Азнаурова ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари бадий таржиманинг ривожланишида катта роль ўйнади.

Насрий ва шеърий асарларни таржима қилишда тўпланган тажрибани илмий ва назарий жиҳатдан англаш натижасида таржима амалиётида ўтган асрнинг иккинчи ярмида алоҳида ўзгаришлар кузатилди. Бу ўзгаришлар доирасида фольклор асарларининг таржима қилишда икки тамойилни кузатиш мумкин эди. Биринчи тамойил мақол, матал, эртақлар таржималари билан боғлиқ бўлса, иккинчиси халқ қўшиқлари, дostonлар таржимаси билан алоқадор эди.

70-йилларнинг бошларида бой фольклор меросини сақлаб қолишда фидойилик кўрсатиб келган ўзбек фольклоршунослари халқ оғзаки ижоди асарлари таржималарини нашр этиш ишларини давом эттирди. Жумладан, машҳур халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридан жой олган

достонларнинг уч жилдан иборат таржималари «Песни Булбуля» номи билан 1974–1977 йилларда нашрдан чиқиши катта воқеа бўлди. Кичик фольклор жанрлари – мақол, матал, фразеологизмлар, айтим-олқишлар (оналар шеърятти), болалар тақвим фольклори, ўйин фольклори намуналарининг бадиий сўз шакллари соддалигига қарамасдан, таржима жараёнида мазмун ва образлилик билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келади.

Таржима жараёнидаги қийинчиликлар шундан иборатки, аслиятдаги паремиологик бирликлар, айтим-олқишлар, болалар тақвим фольклори, ўйин фольклори намуналари кўп асрлар давомида шаклланган бўлиб, улар халқ донишмандлигини, дунёқарашини акс эттириб, миллий менталитет билан суғорилгандир. Буларнинг барчаси рус тилига қилинган таржималарда турли хил даражада ўз ечимини топган.

XIX аср охири – XX аср бошларида амалга оширилган эртақларнинг дастлабки таржималари билан ўтган асрнинг 50-йилларида қилинган таржималарнинг қиёсий ва чоғиштирма таҳлили уларнинг бадиий, услубий, луғавий тузилишида сифат жиҳатидан фарқланиш борлигини кўрсатади. Жумладан, сўнгги таржималарда ўзбек эртақларининг биринчи таржималарига хос бўлган эркинлик, қисқартириш, тўлдириш, изоҳлаш, рус эртаги услубига мослаштириш каби салбий унсурлар бартараф этилганлигини кўриш мумкин.

Фольклор асарларини ўзбек тилидан рус тилига таржима тарихининг таҳлили унинг бир нечта шартли босқичлари мавжудлигини кўрсатади. Рус миссионерлари номлари билан боғлиқ фольклор асарлари бадиий таржимаси тарихининг биринчи босқичи тахминан XIX аср охири ва XX асрнинг дастлабки чораги даврини камраб олади. Таржимада эртақ мазмунини эркин баён этиш, матнларни қисқартириш, ўз хохишига қараб таржима матнларини тўлдириш, уларни изоҳлаш, рус эртаги услубига мослаштириш ушбу давр таржималарининг ўзига хос хусусиятларидан бўлган. Иккинчи босқич 30-йилларда бошланиб, бу даврда бадиий таржима жараёни таржима илми билан бирга параллел равишда ривожланди. Учинчи босқич – эллингинчи ва ундан кейинги йиллар ҳисобланиб, бунда танқидчилик бадиий таржима санъатининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек фольклори топик тизими ва миллий колоритни таржимада тиклаш муаммолари**» деб номланган. Диссертация бобининг биринчи фасли «**Поэтик қиёслашнинг бадиий-стилистик хусусиятлари ва миллий колоритни таржимада тиклаш муаммолари**» деб номланиб, унда халқ оғзаки ижод асарларида қиёслашнинг бадиий ва услубий хусусиятлари, шунингдек, миллий колоритнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларни таржима тилида акс эттириш муаммолари таҳлил этилган. Бадиий структуранинг таркибий қисми бўлмиш поэтик воситаларни таржима тилида тиклаш билан боғлиқ муаммоларни

тадқиқ этиб, қайд этиш лозимки, мазкур троп икки бадиий-поэтик тизим, икки тил, тегишли креатив фаолият ва маданий-маънавий кадриятлар ўртасида юзага келиб, муҳим бадиий-услубий вазифаларни бажаради.

Халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан ҳисобланган дostonларнинг бадиий структурасидаги анъанавий эпик қиёслаш ўзининг услубий вазифалари, бой бадиий мазмуни билан ажралиб туради. «Қундуз ва Юлдуз» дostonида эпик мазмунни ифодалашда қиёслаш кўп қўлланилган бўлиб, эпик асарнинг бадиий структурасини, стилистик жиҳатларини бойитиб келади, таъсирчанлигини таъминлайди. Дostonда эпик персонажлар қиёсинг бадиий структурасида субъект вазифасида келади: *Яшин қанот тулпорлар / Йулда қушдай учади.*¹

Таъсирчанликни ошириш, отларнинг тез югуришини ифодалаш учун эпик майдонда ҳаракат қилувчи персонажлар (субъект) қиёс асоси орқали бошқа эпик маконда тез ҳаракат қилувчи объект (қуш) билан қиёсланади. Бу ерда қўлланилган эпик қиёслашнинг субсистемаси стилистик бирлик унсурларининг мустаҳкам семантик алоқаларга асосланган мураккаб структурага эга. Бундай қиёслашда унинг барча таркибий қисмлари иштирок этади. Қиёслаш субъекти вазифасини тулпорлар (қанотли отлар) бажариб келган. Таъсирчанлик, руҳий кечимни кучайтириш, қиёслаш субъектини меъёридан ортиқча сифатлар билан таърифлаш учун қиёслаш объектининг хусусиятидан фойдаланилган. Қиёслаш объекти сифатида *-дай* хусусият кўрсаткичига эга *қуш* зоонимининг умумлаштирилган образи иштирок этади. Қиёслаш асосини (умумий хусусиятни) *тез, ўта тез* каби имплицит тушунчалар ташкил қилган. Қиёслаш оборотининг битта таркибий қисмининг (субъект) хусусияти бошқа таркибий қисм (объект) хусусиятини амалга ошириш орқали кучайтирилган. Ушбу қиёслаш формуланинг семантик тузилиши объектив воқелик унсурлари ўртасидаги мантикий муносабатларни ифодаловчи қатъий қонуниятга асосланади. Стилистик мазмунга эга бўлган қиёслашда субъектнинг асосий хусусияти имплицит ҳолатда берилган. Мазкур ҳолатда *яшин қанот* статик сема ва *учади* динамик сема аниқ формал кўрсаткичларга эга. Қиёслаш асоси орқали ифодаланган объектининг барча хусусиятлари қиёслаш субъектининг меъёридан ортиқча хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилади.

Таржимада мазкур бадиий-стилистик структура қуйидагича ўз ифодасини топган: «*Рты раскрыл тулпары мчат, Как в горах архары мчат*»². Поэтик қиёслаш таржимасининг ташқи кўринишидан сюжет ҳаракати тез кечаётганлиги тўғрисидаги тасаввур шаклланиши мумкин. Аммо бу тасаввур семантик ва стилистик бадиий-ифодавий кўрсаткичлар билан тасдиқланмаган. Натижада когнитив дискурс пайдо бўлади. Чунки таржима тилида тикланган троп аслиятдаги бадиий матнга хос образлилик, тезкорлик ва кескинликни таъминлаб берувчи семантик-стилистик вазифани

¹ Булбул тароналари. 5 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.393.

² Песни булбуля. 3-х томник. Т.1. – Ташкент, 1972. – С.157.

базармаган.

Аслиятда қиёслаш услубий таъсирчанлик манбаи ҳисобланади, таржимада эса қиёслаш формуланинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг мантиқсизлашганлиги сабабли у ўз бадиий-услубий вазифасини бажара олмаган. Анъанага кўра, тулпорларнинг югуриши амалда ҳам, бадиий ифодада ҳам архарларнинг югуришидан тез ҳисобланиб келганлиги билан ушбу таъкид тасдиқланади. Шунини қайд этиш керакки, фольклор асарларида мазкур субъектнинг ўзи кўп ҳолатларда қиёслаш объекти вазифасида иштирок этиб, унинг хусусияти тропнинг умумий хусусиятини тузиш учун қўлланилади. Натижада қиёсий оборотлар таржималарига оид баъзи хулосаларни шакллантириш имкони мавжуд. В.Державин, А.Наумов, Г.Регистан каби ижодкорларнинг таржима соҳасида орттирган тажрибаси шундан далолат берадики, улар қиёслаш стилистик фигураларини рус тилида тиклашда турли усуллардан фойдаланган. Умумлаштириганда мазкур усулларни қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқдир: 1) халқ достонлари аслиятидаги қиёсий оборот таржима қилинмаган; 2) қиёслаш стилистик бирлиги қиёслаш кўринишида тикланган; 3) аслиятда мавжуд бўлмаган қиёслаш стилистик конструкция таржима матнида пайдо бўлган.

Бир-бирига ўхшаш анъаналарига эга бўлган аксарият Шарқ халқлари фольклорида умум қабул қилинган туя, қўй, қўчқор, булбул ва ҳ.к. анималистик образлар достонларнинг бадиий структурасида тез-тез учраб туради. Универсал фольклор образлари миллий мазмун билан белгиланади ва шу билан бирга умумфольклор анъаналарига эга бўлмаган халқлар фольклорига ҳам хос бўлган ходисадир. Шундан келиб чиқиб қайд этиш мумкинки, бадиий матн, хусусан, фольклор асарлари таржима қилинаётганда универсал фольклор образлари трансформацияланиши мумкин.

Турли вариантларда достонларда қўлланилган «дарёдай бўлиб тошмагин» анъанавий қиёслашни яқка маъноли қотиб қолган стилистик формула сифатида талқин қилмаслик лозим. Достонлар баёнида инвариант шаклларда иштирок этган мазкур стилистик конструкция бадиий матн доирасида полисемантик хусусиятга эга бўлиб, бой психологик мазмуни билан ажралиб туради. Г.Регистан, В.Державин ва С.Северцевлар томонидан амалга оширилган мазкур қиёслашнинг таржималари ўзларининг бадиий-стилистик образлар мазмуни билан қизиқарлидир. Г.Регистан аксарият ҳолатларда қиёслаш объекти сифатида дарё образини сақлаб қолади ва максимал даражада муқобилликка эришади: «Авазнинг ғайрати дарёдай тошган» – «В нем энергия бушует, как река»; «От чопади, бачча дарёдай тошиб» – «Как река, волнуясь мальчик». Мазмун жиҳатдан достон ижросида қўлланилган «Холдорхон хафа бўлмагин, тошиб дарёдай тўлмагин» стилистик формуласи ўзининг бадиий вазифаси билан ажралиб туради. Эпик қахрамоннинг мурожаатида тилнинг бой имкониятлари, воқеа

ҳаракатлари коллизияси билан белгиланган муносабат мазмунини ифодалашда унинг ўзига хос ҳолати кўзга ташланади. Достон парчасидаги *тўлмагин* феълида мужасамлашган тропнинг умумий хусусияти қисман қиёслаш субъектининг хусусиятида мавжуддир. Таҳлил қилинаётган *тўлмоқ* феъли, ўз навбатида, *кўнгул тўлмоқ* бирикмасида келиб, «хафа бўлмоқ» деган маънони англатувчи метофорик тушунчани ҳосил қилади, бу ҳолат эса қиёслаш субъектида ўз ифодасини топган. Таржима тилида мазкур стилистик фигура қуйидаги кўринишда тикланган: «Не грусти как обмелевшая река».

Таржимада қиёслаш объекти вазифасида иштирок этувчи дарёнинг анъанавий образи мавжуд, умумий хусусиятга асос бўлган унинг хусусияти акс этирилган: қиёслаш стилистик фигураси структурал жиҳатдан таржимада тикланган, аммо у бадий мазмун, эмоционал таъсирчанлиги жиҳатидан ўз аслиятига қараганда анча суздир. Бунинг сабабини аслият ва таржимадаги қиёслаш оборотларнинг тизими ва субтизимдаги релевант алоқаларнинг структурал-функционал хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Бобнинг «**Метафораларнинг бадий-стилистик хусусиятлари ва миллий колоритни таржимада тиклаш муаммолари**» деб номланган иккинчи фаслида халқ оғзаки ижодининг асосий жанрларидан бири бўлган достонлар таркибидаги поэтик метафораларнинг бадий хусусиятлари, миллий колоритни таржимада тиклаш муаммолари тадқиқ этилади.

Эпик анъанада бошқа кўпгина фольклор жанрларига хос бўлгани каби метафора ўз мантикий кодида эга. Унга кўра ифодаланаётган субъект объектга ўхшатилади, ўхшатиш объектининг хусусияти метофорик бирликнинг субъектига ўтади. Поэтик қиёслашга хос бўлган топик бирликнинг икки қисмга бўлиниши метафорада шаклан ифода этилмаслиги мумкин, аммо мураккаб алоқалар тизими унинг мавжудлигига ишора қилади, бу эса тропнинг таркибий қисмларини бирлаштириш учун асос бўлади.

«Равшан» достонида Ҳасанхон йўлга отланаётган ўғлига мурожаат қилаётган эпик сахнада метафоралар тизими мавжуд. Достондаги «*Умрим баҳорим, сенга йўл бўлсин, Талпинган шунқорим, сенга йўл бўлсин*» тарзидаги отанинг мурожаатида иккита троп бўлиб, уларда ўғилга бўлган муҳаббат, ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган.

Эпик вазиятнинг психологик таранглиги, унинг ҳис-туйғулар билан тўлиб-тошганлиги, экспрессивлиги тропнинг пайдо бўлишини талаб қилади. Нутқ кульминацияси юқори нуқтага етганда отанинг ўз ўғлига бўлган муҳаббатининг изҳори янада кучаяди: бу ҳис-туйғу ва руҳий ҳолатни ифодалаш учун «*умрим баҳорим*» (весна моей жизни), «*талпинган шунқорим*» (стремящийся к цели мой сокол) каби стилистик фигуралар ишлатилади.

Ўнта метафорадан иборат бўлган достон парчасини В.Державин миқдор

жихатдан таржимада тиклайди. У бошланғич қисмни қуйидагича таржима қилади:

*Мой свежий вешний цвет – будь счастлив
Мой к тучам рвущийся шункар – будь счастлив.¹*

Троплар таркибига кирган сўзларнинг мажозий-метафорик маъноси билан боғлиқ маълум қийинчиликлар таржима жараёнида юзага келади. Таржимон аслиятдаги метафорик сўзларни таржима қилмасдан, транслитерация орқали беради: *қўчқор* – *кучкар* (*баран*), *шунқор* – *шункар* (*қирғий*). Натижада улар аслиятнинг мажозий мазмунини таржимада акс эттирмайди. Ўзбек фольклор аънаналарида «*Богимда анорим, сенга йўл бўлсин*» метафорик бирлиги ўзига хос кўп маънолилиги билан ажралиб туради. Метафоранинг маъноларидан бири «севимли фарзандим» деган тушунчани англатади. Мазкур метафора рус тилига қуйидагича, яъни «Гранат мой, лета сладкий дар» шаклида ўгирилган. Таржима тили фольклор аънасида бундай бадиий-мажозий образлилик мавжуд эмаслиги туфайли аслият матнининг метафорик мазмуни бу ҳолатда ифода этилмай қолган. Бошқача қилиб айтганда, аънавий образлиликни ташкил этувчи дoston аслиятидаги метафоранинг бундай таржимаси натижасида икки тилдаги бадиий-стилистик тизим билан боғлиқ муаммо юзага келган.

Болалар шеъриятида айтим-олқишлар алоҳида ўрин тутаяди. Фарзанд беш, олти, тўққиз, ўн бир ёшга кирганда айтиладиган айтимлар мавжуд. Масалан, бола беш ёшга қирганда қуйидаги айтим айтилади:

*Бешдан ўтди, тошдан ўтди,
Эски тегирмондан ўтди,
Чориқ кийиб чўлдан ўтди,
Онасининг кўзмунчоги,
Отасининг овунчоги.*

Айтим мазмунидан келиб чиқиб, уни икки қисмга бўлиш мумкин: биринчи қисмда бола муайян ҳаётий тўсиқларга ўхшаш ёш билан боғлиқ босқичлардан ўтганлиги ҳақида маълумот берилган, айтимнинг иккинчи қисмида шеърий параллелизм билан кучайтирилган *кўзмунчоги*, *овунчоги* метафоралари ишлатилган

Биринчи метафорада бола мунчоққа ўхшатирилган бўлса, иккинчи ҳолатда у отага жуда ёқадиган ўйинчоққа ўхшатирилган. Мазкур ўхшатиш объектлардан айтим-олқишда фойдаланиш тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Ўхшатиш объекти сифатида шунчаки мунчоқ эмас, балки ёмон кўздан асрайдиган мунчоқ, яъни кўзмунчоқ қўлланилган. Халқ эътиқоди бўйича муқаддас хусусиятга эга бўлган кўзмунчоқ кишини ёмон кўздан (кўз тегишдан) ҳимоя қилади. Шунинг учун ушбу ўхшатиш объектидан шеърий матн доирасида фойдаланиш бежиз эмас, чунки у ўзига хос бадиий-муқаддас мазмун билан тўлдирилган. Бола тропда субъект вазифасида келиб, имплицит шаклида иштирок этган, аммо ўхшатиш мазмунининг доирасида

¹ Песни бульбуля. 3-х томник. Т. 1. – Ташкент, 1974. – С. 218.

у эксплицитлашган.

Таҳлил қилинаётган шеърӣ микроконтекстнинг иккинчи ҳолатида қўлланилган ўхшатиш нисбатан камроқ бадий мазмун билан тавсифланади. Бу ерда биринчи тропда мавжуд бўлган кўп қатламли мазмун мавжуд эмас. А.Наумов таржимасида аслиятда қўлланилган икки метафора ҳам берилган: «Ах, ты мой малюсенькие глазенки, да ушки, матери бусинка, отцова игрушка». Биринчи ўхшатишга хос бўлган кўп қатламли бадий маъно таржимада акс этмаган: ўзига хос муқаддаслик хусусияти билан таърифланувчи, эмоционал мазмуни билан бой лексик бирлик таржимада нейтрал маънога эга сўзлар билан алмаштирилган. Сўзлардаги кўчим акс этмаган. Аслият ва таржимадаги ўхшатиш объектларининг бадий-стилистик жиҳатдан номутаносиблиги сабабли аслият ва таржима қилинган матнлар ўртасида стилистик, бадий-мажозий фарқланишлар юзага келган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қайд этиш керакки, таржима жараёнида метафора объектининг бадий-мажозий мазмунини акс эттириш муҳим ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, бадий таржимада метадораларни муқобил тарзда акс эттиришда таржимадги метафорик объектнинг семантик майдони аслият метафорик объектининг семантик майдони билан мос тушиши муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бадий-образли структураси ва миллий колоритини таржимада тиклаш муаммолари**» деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи фасли «**Ўзбек фольклори асарлари таржимаси доирасида бадий шакл ва мазмун масалалари**» деб номланиб, унда ўзбек фольклор асарлари таржимаси доирасида бадий шакл ва мазмун нисбати билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Бадий асарлар таржимаси жараёнида фольклор асарларининг кўп сонли экспрессив лексик бирликлари ва бадий сўз формулалари структурасида ўз ўрнини эгаллаган миллий колоритнинг ўзига хос жиҳатларини таржима тилида тиклаш асосий масалалардан бир бўлиб қолмоқда. Бу ҳол айниқса «Қундуз ва Юлдуз» достонида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у қуйидаги сюжет ҳаракати доирасида тақдим этилган:

*Сенинг билан бўлсам, аҳдим бузилар
Мен туркманман, айтган сўзим бир бўлар.¹*

Бундай этнонимнинг қўлланишидаги чегараланиш унинг тил воситаси сифатида адабий тил меъёри талабларига мос эмаслигини изоҳлаб беради. Шунга мувофиқ, таржимада муқобил исм шаклини танлаш ҳам ўзгаради.

*Узбеки слов на ветер не бросают
Нарушить клятву для меня позор.²*

¹ Булбул тароналари. 5 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 317.

² Песни булбуля. 3-х томник. Т.1. – Ташкент, 1974. – С.100.

Бундай ҳолатда уруғ номини англатувчи *туркман* этнонимини бутун бир халқ номини англатувчи *ўзбек* этноними билан алмаштириш, яъни аслиятдаги сўзнинг таржимада ўзгарган шаклда трансформацияланиши таржимон томонидан масала тўғри ечилганлигидан дарак беради. Бу ерда таржимон этноним мазмунининг тарихий эволюциясини ҳисобга олиб, муқобилликка эришган.

Ўзбек халқ достонларининг рус тилига таржима қилишда таржимонлар кўпинча транслитерация усулидан фойдаланишган. Айрим ҳолатларда, бадиий контекстни ҳисобга олиб, мазкур усулдан фойдаланиш ижобий натижа берган. Аммо халқ оғзаки асарлари таржималарининг таҳлили шуни кўрсатадики, таржимонлар ҳамisha ҳам муқобиллик талабларига риоя қилишмаган. Миллий маиший тушунчалар тизимига доир кийимлар номлари достонларда нафақат номинатив функцияни, балки айрим ҳолатларда мажозий маъноли стилистик вазифани ҳам бажариб келади. Бу ҳолатда аёллар кийимининг таркибий унсурларидан бири бўлмиш *лачаг* сўзининг таржимаси диққатга сазовордир. Мазкур кийим номи достон бадиий структурасида рамзий маънода ишлатилган. Таржимада мазкур сўзни Г.Регистан *платок, чепец*, А.Големба *шаль* шаклида таржима қилиб, стилистик вазифасини акс эттиришга эришган. Шу билан бирга, стилистик коннотация сақланган ҳолда семантик коннотация юзага келмаган. В.Державин таржимасида бу кийим *лачаг* шаклида ифода этилиб, қайд этилган камчилик бартараф этилган.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида, жумладан, достонларда учрайдиган онимлар рус тилига амалий транскрипция, транслитерация қоидалари ёки этимологик муқобиллик тамойили асосида берилиши лозим. Шу билан бирга, онимларнинг таржимада тикланган шакллари таҳлили асосида қуйидагиларни қайд этиш лозим: а) онимлар вариант шаклида берилган; б) апеллятив сўзлар атоқли отларга айланган; в) онимлар тушириб қолдирилган; д) персонажлар исмлари ўрнига этнонимлар ишлатилган.

Халқ достонлари матнларида маиший ҳаёт билан боғлиқ кам учрайдиган тушунчалар транслитерация асосида таржимада тикланиб, уларнинг шакл ва фонетик структурасида маълум меъёрий чекланишлар мавжудлигини қайд этиш лозим. Бу ҳолат «Хушкелди» достони таржимасида кузатилади: «*Зумрад добил илди эгарнинг қошига, қатагон ҳашамин тақиб тўшига*»¹. Таржимада эса у қуйидагича чиққан: «*Украшениями каганскими звеня, Дед Сакиповесил их на грудь коня*».² Аслиятдаги *қатагон* геноними *каганский* шаклида баъзи фонетик ўзгаришлар билан таржима қилинган. Бироқ транслитерант аслиятдаги сўзга муқобил бўла олмайди, чунки *каганский* сўзи *қогон* субстантивининг адъективидир, *қатагон* лексик бирлик геноним бўлиб, кейинчалик у этноойконимга айланган. Умуман олганда, онимлар транслитерация

¹ Ўзбек халқ ижоди. 2 томлик. Т. 2. – Тошкент, 1972. – Б. 208.

² Песни булбуля. 3-х томник. Т.2. – Ташкент, 1977. – С. 229.

килингандә аслият сўзи билан транслитерант ўртасида мантикий боғлиқлик мавжуд бўлиши лозим.

Бадиий асарнинг асоси ҳисобланган лексик воситалар таржимаси уларнинг стилистик ва семантик бирикувчанлиги, вазифаларининг турли хиллиги ва бадиий образлиқнинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Буларнинг барчаси аслият матнидаги маиший ҳаёт билан боғлиқ тушунчалар таржималарининг бадиий-стилистик хусусиятларини таҳлил қилиш учун ўзига хос асос яратади.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**Достонлар фразеологияси стилистикасини таржимада тиклаш муаммолари**» деб номланган.

Ўзбек халқ достонлари матнларида учрайдиган фразеологизмларни таржима қилиш, бошқа лингвистик воситалар билан фонетик, бадиий, стилистик, мажозий, семантик, кумулятив хусусиятлари сержилолигини тиклаш жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Достонлар аслиятдаги фразеологизмлар билан бадиий матннинг стилистик мувофиқлиги, поэтик фразеологиянинг ихчамлиги, образлилиги таржима матнида сақланиши муҳим аҳамият касб этади. Анъанавий фразеологизмларнинг турли хил мазмуни ва функциялари билан боғлиқ стилистик ва семиологик полифонизмни таржима тилида тиклаш асосий талаблардан бири ҳисобланади. Хусусан, соматик фразеологизмлар халқ достонларида кўп учрайдиган, ўзига хос услуб ва маънога эга бўлган анъанавий фразеологизмларнинг бир тури бўлиб, улар таржима жараёнида бир қатор муаммоларни вужудга келтиради.

Бадиий матн доирасида фразеологик формула соматизмнинг тўғри маъноси билан бевосита боғлиқ эмас. Фразеологизм структурасида соматизм кўчма маънога эга бўлиб, бу ҳолат барча анъанавий фольклор топик формулаларга хосдир. Фразеологик формула структурасида соматизм семантикаси билан унинг луғавий маъноси ўртасидаги боғлиқлик метафораланиш натижасида бошқа мазмунга эга шаклларни олади. Соматизмларнинг метафораланиш жараёни халқнинг менталитети, тафаккури, мушоҳада қилиш услубларига бориб тақалади. Буни маънолар ўзгарганлиги натижасида метафораланган *жигар* (печень), *бовур* (печень), *талоқ* (селезенка), *ўпка* (легкие), *тирноқ* (ноготь), *суяк* (кость) ва бошқа шу каби соматизмлар мисолида кузатиш мумкин. Ушбу соматизмларнинг метафораланиш жараёни рус тилида ривожланмаган. Шу билан бирга, рус тилида бир қатор анъанавий соматик фразеологик бирликлар гуруҳи мавжуд бўлиб, улар ёрдамида соматик фразеологизмларни бошқа тиллардан таржима қилиш имконииятини яратади. Бундай ҳолатда ўгирилаётган соматизм таржима тилида бошқасига алмаштирилиши мумкин.

Фразеологизмларни таржима қилишда фақат луғавий маънони тиклашга уриниш аксарият ҳолатда тесқари мажозий, стилистик, семантик алоқаларни юзага келтирмайди. Буни «Якка Аҳмад» достонидаги

«Суюкларим тошга чақсам, Ўтинга бағрим ёқсам»¹ фразеологизмининг таржимаси тасдиқлайди. Қаҳрамоннинг чуқур психологик ҳолатини акс эттирувчи фразеологизм қуйидагича таржима қилинган: «*Пусть о камни кость раздроблю, Печень в пламени тоски спалю*»². Таржимада фразеологизм ўзининг образлилиги, метафорик мазмунини йўқотган. Ҳиссий мазмунга бой аслиятдаги аниқ, раво бадий фикр ҳаракати таржимада рус тилининг меъёрлари нуқтаи назаридан мантиксиз маънога эга бўлган стилистик структура билан алмаштирилган. Таржима тилида «Печень в пламени тоски спалю» кўринишдаги янги фразеологик бирикма пайдо бўлади. Бошқа сўзлар билан уйғунлашиб, идиоматик формулани шакллантириш хусусияти таржимадаги «фразеологик бирлик»нинг бош сўзи (печень)га хос эмас.

Шу билан бирга, С.Северцев қаламига мансуб дoston таржимасининг иккинчи қисмида юқорида тилга олинган соматизмнинг мажозий маъноси муқобил тарзда ўз аксини топган. Дoston воқеалари давомида гўзал Қалдирғоч яхши кўрган акасини узоқ йўлга йиғлаб кузатади. Эпик сахна кўринишида кўрқув, ажралиш, ташвишли, мавҳум келажак фалсафаси тўлиқ ифодаланган:

*Во акам деб чирқирайди йиғлайди,
Аҳмаджоннинг ўн тўрт яшар жигари.*³

Таржимада *in absentia* вазифасида келган соматик сўзнинг қўлланиши орқали воқеалар кечими кескинлашган, психологик сахна кўриниши кучайтирилган. Соматик троп таржимада унинг ифодаловчилари билан алмаштирилган: «*О милый брат" – все громче громкий плач четырнадцатилетней Калдыргач*».⁴

Таржимада бадий ва фоник муқобиллик мавжуд, аммо фразеологизм билан боғлиқ стилистик мазмун йўқолган. Дostonнинг икки таржимони тажрибаси (А.Големба ва С.Северцев) фразеологизмлар таржимаси мураккаблигидан ва мазкур муаммонинг илмий асоланган ечимлари мавжуд эканлигидан далолат беради. Ушбу муаммони ҳал қилишда кўп сонли ёндашувлар мавжудлиги масаланинг бошқа ечимлари борлигини инкор қилмайди. Шу билан бирга, фразеологик бирликларни таржима қилишда қуйидагиларни, яъни 1) стилистик фигуранинг ядро лексемаси (соматизм)нинг бошқа сўзлар билан бирикиши ва муқобил фразеологизмни ҳосил қилиш хусусиятларини; 2) тропни таржима жараёнида альтернатив бадий ва стилистик ифодаловчилар билан алмаштириш мумкинлигини эътиборга олиш муаммоларнинг тўғри ечимига асос бўлади.

Халқ оғзаки ижоди асарлари бадий матни доирасида қўлланилган фразеологик бирликларни парафраза орқали ўгириш аслиятнинг образли мазмунини таржима тилида беришнинг кенг тарқалган усулларида бири

¹ Булбул тароналари. 5 томлик. Т.1. – Тошкент, 1971. – С. 72.

² Песни булбуля. 3-х томник. Т.3. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 81.

³ Булбул тароналари. 5 томлик. Т.1. – Тошкент, 1971. – Б. 157.

⁴ Песни булбуля. 3-х томник. Т.1. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 83.

хисобланади. Парафрастик таржима кўп ҳолларда фразеологик бирликнинг таркибий қисми сифатида иштирок этувчи луғавий муқобили таржима тилида йўқлиги билан изоҳланади.

Шундай қилиб, дostonлар бадий структураларида мавжуд бўлган паремияларни таржима қилишда уларнинг стилистик функцияларини шакллантирувчи пропозицион денотатларнинг семантик алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур хусусиятларни таржима жараёнида эътиборга олмаслик аслиятдаги фразеологизм мазмунининг тўла акс этишига йўл қўймайди ва натижада таржимада юзага келган бадий образлилик муқобил коррелятив вазифани бажармай қолади. Демак, паремияларни таржима қилишда аслиятдаги паремиологик бирликнинг бадий услубини шакллантирувчи пропозицион структура муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқ дostonлари бадий структурасида қўлланилган паремиологик бирликлар ва улар таржималарининг таҳлили таржимонлар томонидан бир нечта усуллардан фойдаланилганлигидан далолат беради. Улар қуйидагилардан иборат: 1. Таглама (сўзма-сўз) таржима; 2. Аслиятдаги паремиологик бирликлар таржима тилида мавжуд бўлган муқобил вариантлар ёрдамида ўгирилган; 3. Аслиятда муҳим бадий-стилистик, этнографик маълумотларни камраб олган ва фольклор асарининг бадий структурасини таркибий унсури бўлган айрим паремиологик бирликлар тушириб қолдирилган; 4. Таржима жараёнида экспликация усули қўлланилган.

Бобнинг учинчи фасли «**Халқ дostonларида эпик сонларнинг макон ва замон функциялари ва уларни рус тилида акс этиши**» деб номланган.

Фольклор асарлари структурасидаги эпик сонларнинг бадий вазифалари билан боғлиқ муаммолар В.А.Давидова¹, М.Жўраев² ва бошқа таниқли олимлар илмий ишларида тадқиқ этилган. Таржима тилида эпик анъанавий сонларни ўгириш масалалари К.Жўраевнинг «Алпомиш» дostonининг таржимасига (таржимон Л.Пеньковский) бағишланган ишида кўриб чиқилган³.

Халқ дostonлари бадий матнида қўлланилган замон ва макон билан боғлиқ ўлчов сонлар ўзларининг миллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, ўзбек халқ дostonларида макон масофасини ўлчаш учун *чақирим, тош, яғоч* каби махсус метрологик бирликлар ишлатилган. Жумладан, “Хушкелди” дostonида *тош* ўлчов бирликлари ишлатилади:

*Энди кўринг, бол Аваз,
Ғиркўкни йўргалатди,
Қирқ йигитнинг отидан
Тўрт тошча ўтиб кетди.*⁴

¹ Давидова О.А. Числительные в русских пословицах и поговорках // Специфика фольклорной лексики и фразеологии. – Курск, 1978. – С.15–26.

² Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.

³ Джураев К. Мастерство поэта-переводчика Л.Пеньковского: АКД. – Ташкент, 1977. – 19 с.

⁴ Ўзбек халқ ижоди. 2 томлик. 2 Т. – Тошкент:Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.

Тарихий метрология бўйича маълум маълумотларга эга бўлмаган киши учун «*тўрт тош*» ўлчов бирлиги маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Достон парчасида иштирок этган «*тўрт тошча*» метроними куйидаги шаклда ўгирилган:

*Аваз с ним просто слит,
Из джигитов он джигит.
На четыре таша войско
Обгоняет – так спешит.*¹

Архаик ўлчов бирлигида ифода этилган маълумот коди транслитерация қилинган. Шаклан акс этиш нуқтаи назаридан мазкур графема аслият лексеманинг формал белгиларини сақлаб қолган. Шу билан бирга, транслитерация қилинган сўзнинг стилистик, маъно функциялари таржима матнида заифлашганлини қайд этиш лозим. Агар таржима мазмуни таҳлил қилинса, таржима тилига узатиладиган маълумот аниқ бир лингвистик-мантқиқий кодни ўз ичига олмаганлиги кўринади. Чунки *тўрт тош* сўз бирикмаси таржимада шакл жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам асосланмаган.

Халқ достонларининг бадиий структурасида макон масофаларини белгилаш учун бевосита ишлатиладиган лексик унсурлардан ташқари, эпик асарга бадиий ва мазмун жиҳатдан сайқал берувчи бир қатор ўзига хос тушунчалар қўлланилади. «Кундуз ва Юлдуз» достонида Юлдуз осмонда уч найза баландликда тўхтаб, Аваз билан хайрлашди:

*Унга борсанг, қанот бойлаб учасан,
Осмонда антаҳур майин ичасан.
Орасинда тўрт юз тўқсон тоғи бор,
Санаб уч юз олтмиш дарё кечасан.*²

Юлдузой нутқида ишлатилган табиат унсурларига ишора қилувчи сон кўрсаткичлари аслида Авазхоннинг маконда саёҳат қилиши керак бўлган масофани акс эттиради. Шу билан бирга, анъанавий эпик сон белгилари хаддан ташқари катта масофани билдириб келган – уни босиб ўтиш оддий киши учун бажариб бўлмайдиган эпик вазифадир (макондаги ҳаракат манзили Кўҳи Қоф афсонавий жой бўлиб, у таржимон томонидан *обитель пери* мифотопоними шаклида берилган).

«Кундуз ва Юлдуз» достонининг мазкур парчаси таржима тилида ўзига хос кўринишда ўгирилган:

*Туда идти – крылатым нужно быть,
Сто тридцать рек, бурлящих переплыть,
Волшебного вина отведать в небе,
Пятьсот пятнадцать гор перевалить.*³

1972. – Б. 222.

¹ Песни булбуля. 3-х томах. Т.2. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 312.

² Булбул тароналари. 5 томлик. Т.3. – Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1972. – Б. 234.

³ Песни булбуля. 3-х томник Т.1. – Ташкент: Фан, 1977. – С. 24.

Аслиятдаги сюжет ҳаракатлари кечадиган бадий маконда жойлашган табиат объектларининг миқдор жиҳатдан шартлилиги уларни таржимада ифода этишда миқдорий оғишларга олиб келган. Жумладан, аслият матнида *тўрт юз тўқсон тўққизта тоғ ва уч юз олтамиш дарёдан ўтиш* ҳақида гап боради. Таржимада бу масофани босиб ўтиш учун «пятьсот пятнадцать гор перевалить, сто тридцать рек бурлящих переплыть» («беш юз ўн бешта тоғни ошиб ўтиш, юз ўттизта тўполанг дарёдан кечиб ўтиш керак») каби ҳолатлар билан боғлиқ сонлар берилган. Таржимада тикланган географик денотатларнинг миқдорий жиҳатдан фарқланиб туриши уларнинг мантикий-семантик, стилистик тўйинишига олиб келганлигидан уларнинг бадийлигига салбий таъсир кўрсатмаган.

Шундай қилиб, ўзбек халқ достонларида қўлланилган эпик сонларнинг семантик-стилистик табиати ва уларнинг таржимадаги бажарадиган бадий вазибаларини таққослаб, қуйидаги умумлаштирувчи мазмунга эга хулосалар чиқариш мумкин: достонларнинг бадий матнларида фольклор-анъанавий эпик сонлар макон ва замон ўлчовлари сифатида қўлланилган. Таржимада қўлланилган сонлар аксарият ҳолатда эпик даражагача кўтарилиб, бадий-стилистик жиҳатдан муқобил вазибани бажариб келади; эпик сонлар аслиятда қахрамонларнинг ёшини ифодалаш учун қўлланилиб, бадий-стилистик, экспрессив вазибаларни бажаради. Таржимада улар муқобил бадий функцияларни ўтайди; достонлар ижросида эпик сонлар кўсанинг кулгили қиёфасини яратишга хизмат қилади. Шунингдек, кўсанинг кулгили қиёфаси оддий бўлмаган тартибга эга бўлган сонлар орқали ҳам ифода этилади; аслиятда бадий образни яратиш учун қўлланилган эпик сонлар таржимада муқобил образ яратиш мақсадида бошқа сонлар билан алмаштирилади; метафоранинг таркибий қисми сифатида иштирок этувчи эпик сонлар аслият ва таржимада ўзининг асосий маъносини йўқотади; достон структурасида бир қатор сонлар услубий вазиба бажармай, ўзининг асосий маъносида қўлланилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Ўзбек халқ эртаклари ва поэзиясининг кўп маромлилигини таржимада тиклаш муаммолари»** деб номланган. Бобнинг **«Ўзбек халқ эртаклари насри маромини таржимада тиклаш муаммолари»** деб номланган биринчи фаслида халқ эртакларига хос бўлган маромни таржима тилида тиклаш ва эквиритмия масалалари тадқиқ этилган.

Бадий асарларнинг, хусусан, наср мароми табиатини ўрганишга бағишланган кўплаб фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилган.¹ Илмий манбаларда бадий наср маромининг табиатига алоҳида эътибор берилиб, бадий-эстетик категория сифатида олимлар томонидан ҳар томонлама ва пухта ўрганилган. Баъзи тадқиқотчилар асосий маром субстрати сифатида туроқлар йиғиндисини қайд этиб, «туроқлар

¹ Гиршман М. М. Ритм художественной прозы. – М.: Советский писатель, 1982. – 365 с.; Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – 151 б.

назарияси»ни олдинга сурса, бошқа олимлар бадий наср маромини «тартибланишган синтактик гуруҳлар» деб деб талқин этишади¹. Илмий тадқиқотларда қайд этилган "Simetru" тамойили ва клаузала назарияси бадий адабиёт мароми моҳиятини очиб берадиган универсал назарияси сифатида тўлиқ тан олинмаган. Б.М.Томашевскийнинг бадий наср маромига оид тадқиқоти алоҳида эътиборга лойикдир². Хусусан, олим насрий маромнинг турли белгиларини аниқлаб, «колон» («устун») терминини қўллайди. Бу атама бадий наср маромини кенг қўламда ёритиб бериш имкониятига эга. Атама ушбу функцияда М.М.Гиршман томонидан ҳам қўлланилади³.

Ўзбек эртак насрининг кўп маромлилигини яратишда сажъ асосий элементлардан бири ҳисобланади. Буни олимнинг «ўзбек халқ эртакларида сажънинг қўлланиши фақат типик ўринлар билан чекланмайди, балки типик бўлмаган жойларда ҳам ундан фойдаланилади»⁴ деган фикри исботлайди.

Табиати билан жозибали бўлган маром ўзбек халқ эртакларининг барча анъанавий бошланмаларига хосдир. «Уч ёлғонда қирқ ёлғон» эртаги бошланмасидан ўрин олган маром ўзининг ихчамлиги, равонлиги билан эътиборни жалб қилади: «Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан». Эртак бошланмасида келган такомил кўринишига эга маром насри мусажжаъ ёрдамида яратилиб, бу ерда ритмик фраземалар ўзаро қофияланиб, виртуал пауза билан ажралиб келган. Виртуал пауза эртак бошланмаси матнини тенг ритмик гуруҳларга ажратиб, ўзига хос маромни юзага келтирган. Ритмик гуруҳлар, ўз навбатида, тенг бўғинли ҳажмга эга устунлардан иборат. Эртак бошланмасининг биринчи қисмидаги маромни икки бўғинли устунлар мароми шакллантирган. Бу ерда қисқа ва енгил маром юзага келган. Иккинчи ритмик блокдаги устунлар миқдор жиҳатдан кўп бўлган бўғинлардан иборат: маром беш бўғинли устунлар асосида юзага келган. Эртак насрининг анъанавий бошланмасига хос биринчи қисмининг равон ва енгил сажъ мароми бирмунча ўзгарган ва «оғирлашган» иккинчи қисмининг мароми билан алмашиб келади.

Сажъли эртак насрининг анъанавий бошланма маромини таржимада тиклаш муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Таржимон ўзбек эртакларининг бошланма қисми маромини таржимада тиклашда рус таксономия версификациясининг ритмик имкониятларидан фаол фойдаланган. Эртак бошланмасининг мароми таржимада қуйидаги мазмунга эга бўлган: «Было или не было, сытно ли, холодно, волк был бакаулом, лиса – ясаулом, гусь – горнистом, утка – флейтистом, ворон – знахарем, воробей – сплетником».

М.Шевердин томонидан амалга оширилган таржима ўзининг муқобил

¹ Жирмунский В. М. О ритмической прозе // Русская литература. – М., 1966. – №4. – С. 103.

² Томашевский Б. В. Услужбыйа и стихосложение. – М.-Л.: Учпедгиз, 1959. – 536 с.

³ Гиршман М. М. Ритм художественной прозы. – М.: Советский писатель, 1982. – 365 с.

⁴ Саримсоков Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – 151 б.

ва муқобил бўлмаган маром хусусиятлари билан эътиборлидир. Эртақ аслияти матнида кўзга аниқ ташланадиган икки ритмик блок таржимада ўз ифодасини топмаган. Таржимада анъанавий бошланнинг биринчи ярмидаги маром олти ва етти бўғинли устун ёрдамида берилган – натижада аслиятдаги сажънинг аниқ мароми акс этмаган. Таржимада эртақ бошланмаси насри иккинчи қисмининг мароми максимал даражада аслият маромига яқинлашганлиги таржима тилининг маром воситалари имкониятларидан умумли фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Ўзбек халқ эртақ насри мароми ва унинг таржимада тикланган версияларини қиёсий-чоғиштира тадқиқ этиш қуйидаги ҳолатларни қайд этишга имкон беради: 1) аслиятдаги эртақ мароми таржима тилида турли хил маром кўрсаткичлари, яъни предикатив пауза, фоник маром, устунлар мароми ёрдамида тикланган; 2) Эртақ насрининг маромини таржимада тиклашда ритмик параллелизм, интонацион маром алоҳида ўрин эгаллайди; 3) Таржима жараёнида сюжет воқеаларининг айрим эпизодларини тушириб қолдириш эртақларнинг бадиий мазмунига ва маром яхлитлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бобнинг иккинчи фасли **«Эртақ қаҳрамонлари нутқининг кўп маромлилиги ва эквиполитритмия»** деб номланган.

Ҳар бир эртақ қаҳрамонининг алоҳида олинган нутқи ўзига хос индивидуал хусусиятга эга бўлиб, унинг юзага келиши муайян объектив-субъектив сабаблар билан таърифланади. Шунингдек, ҳар бир эртақ қаҳрамонининг нутқи айни пайтда унинг психологик ҳолатини акс эттирувчи маром билан ажралиб туради. Масалан, «Қуёш ерининг паҳлавони» эртагида нонга зор, кийим-кечакка муҳтож қамбағал чол кўз ёшини тўкиб, бой қўшнисига ёрдам сўраб мурожаат қилади: «Бой ота, бизга ёрдам қилинг, ўғлим Рустамжон билан бирга қўлимдан келган хизматни аямайман, раҳм қилинг». Ўз қўшнисига мурожаат қилган чолнинг нутқи нафақат унинг ижтимоий ҳолатини, бировга қарамлигини, қашшоқ ҳолатини, балки унинг индивидуал психологик аҳволини ҳам белгилаб беради. Эртақ қаҳрамонининг ҳаяжонли маънос нутқи ўз тезлиги ва узук-юлуқлиги билан ажралиб туради. Нутқнинг бундай мазмунга эга бўлганлиги эртақ персонажининг хусусиятини очиқ беришга хизмат қилади. Таҳлил қилинаётган чол нутқининг мароми шаклан ифодаланиш нуқтаи назардан бўғинларининг маром тизимига асосланади. Нутқдаги кичик ҳажм бўғинли фраземалар катта ҳажм бўғинли гап бўлаклари билан алмашилиб, нутқ архитектуроникасига ўзгартириш киритади. Тугаш қисмида кичик бўғинли жумла ишлатилиб, нутқнинг узук-юлуқлигини шакллантиради. Шу билан бирга, нутқ таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида сўнги жумлага урғу берилган. Айни сўнги жумлада нутқ зарбаси жамланган бўлиб, бош умид ифода этилади.

Таржимада интонация, маром, психологик ҳолат муқобиллиги таъминланган: *«Салимбай отец, сделайте милость, помогите нам. А уж я и*

*мой сынок Рустам на вас поработаем, рук своих не пожалеем».*¹ Аслиятдаги психологик ҳолатни кучайтириш, унинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланилган параллелизм мароми таржимада тикланган. Бунинг учун параллелизмни ташкил этувчи синтактик структуралар таркибида илтижо маъноларга эга бўлган буйруқ феъллари шакллари қўлланилган.

Чолнинг илтижо мазмунига тўла нутқининг интонацион мароми таржимада муқобил услубий тил унсурлари билан берилган, яъни инверсия шаклидаги гап қўлланилиб, аслият синтаксисининг шаклий кўриниши акс эттирилган.

Эртак персонажларининг аслият ва таржимадаги нутқ маромининг қиёсий таҳлили таржимада муқобил маром вариантыни яратишда қуйидаги ҳолатлар алоҳида аҳамият касб этганлигини кўрсатади: 1) таржима тилининг ритмик ва жарангдорлик имкониятларидан фойдаланиш; 2) ритмик воситалар тизимидан фойдаланиш; 3) таржимада персонажлар нутқи маромининг ўзига хослигини сақлаш; 4) таржимада эпик образлар нутқининг мазмунини сақлаш; 5) нутқининг услубий хусусиятларини тиклаш; 6) эртак қаҳрамонлари нутқининг вазифаларини таржимада акс эттириш.

Бобнинг учинчи фасли «**Халқ поэзиясининг кўп маромлилигини таржимада тиклаш муаммолари**» деб номланган.

